

Ўзбекистон Республикаси
Фаргона вилояти
Кукон шаҳар

Кукон шаҳар, Шалдирамоқ кучаси
4/29, Тел: (8373)553-01-81
х/р 20208000904677770001
«Алоқабанк» Кукон бўлими, МФО
01092,
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400



Ўзбекистон Республикаси
Фаргона вилояти
Қо'қон шаҳар

Қо'қон шаҳар, Шалдирамоқ кўчаси
4/29, Тел: (8373)553-01-81
х/р 20208000804677770001
«Алоқабанк» Қо'қон бўлими, МФО
01092,
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

« Кува дон маҳсулотлари » АЖ

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ELITE INVEST RENOME AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Кукон шаҳри Шалдирамоқ кучаси 4/29 АТБ «Алоқабанк» Кукон бўлими». Х/р. № 20 208 000 904 677 770 001, МФО: 01092, ИНН 206948598, Оқонх 84400, тел. 542-70-81.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 30.07.2009 йилда берилган № 00699-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 20.03.2009 йилда № 1065 –сон билан рўйхатга олинган гувоҳнома) директори Холматов Б. томонидан (Аудитор малака сертификати № 05473 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект « Кува дон маҳсулотлари » АЖ томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг «Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, шаклларида иборат 2020 йил 01 январидан 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен « Кува дон маҳсулотлари » АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

Ижобий фикр

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект « Кува дон маҳсулотлари » АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ELITE INVEST RENOME AUDIT» аудиторлик
ташкилоти директори:

Б.Холматов

Хулоса тузилган сана 26 февраль 2021 йил